ҚОРАКЎЛ ДАВЛАТ ЎРМОН ХЎЖАЛИГИДАГИ САКСОВУЛЗОРЛАР ҲОЛАТИ

Доцент Ҳ.Ф.Ҳамроев

*Тошкент давлат аграр университети, Тошкент вилояти Қибрай тумани.*hamroyevhusen3@gmail.com

Республикамиз ўрмон ресурсларининг бой салоҳиятидан тўла-тўкис ва оқилона фойдаланишни таъминлаш, ўрмон хўжалиги бошқарув тизимини янада такомиллаштириш, ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, соҳага илғор илмий техника ютуқларини жорий этиш, ўрмон хўжаликларининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш шунингдек, хорижий инвестицияларни янада фаол жалб этиш ва экологик тизимни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ташкил қилинди [1]. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ташқил тилингандан сўнг Республикамиз ўрмон хўжаликларида жумладан, Қоракўл ўрмон хўжалигида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Қоракўл давлат ўрмон хўжалигининг умумий ер майдони 73542,74 гектарни ташкил этиб, ўрмон билан қопланган майдони 43699,74 гектар, маданий ўрмон майдонлари 8549,34 гектар, сийрак ўрмонзорлари 2610,5 гектар ва яйловзорлари 19002,6 гектарни ташкил этади. Ўрмон хўжалиги ҳудудида ўрмон барпо этиш ишлари асосан саксовул турларидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади.

Саксовул *(Haloxylon)* – шўрадошлар оиласига мансуб дарахт ва буталар туркуми. Баландлиги 1,5-12,0 метр, танасининг диаметри 1 метргача боради. Гули майда, икки жинсли, қарама-қарши тангачасимон, гулолди қўлтиғида жойлашган бўлади. Барглари учли, ривожланмаган, тангачасимон, гул ҳосил қилувчи новдачалари кўп йиллик новдадан ўсиб чиқади. Саксовулнинг яшил новдалари органик модда тўпланишига хизмат қилади.

Илк ёш новдаларнинг кўп қисми кузда, айниқса совуқ тушиши билан тўкилиб кетади, қолган қисми эса ёғочлашган ҳолда сақланиб қолади. Апрел ойидан бошлаб гуллай бошлайди. Октябр ойигача меваси пишиб етилади. Марказий осиё ва Қозоғистонда саксовул ўрмонларининг умумий майдонининг деярли ярми Қозоғистонга, Туркманистон ва Ўзбекистонга эса хар бирига чорак қисмидан тўғри келади. Туркманистонда саксовулзор ўрмонларнинг 94,1 % эгаллайди, Ўзбекистонда эса –64% га тенг. Ёғоч заҳиралари бўйича саксовулзорлар арчазорлардан кейинги ўринда туради [2].

Ўрмон хўжалиги ҳудудида саксовулнинг оқ ва қора саксовул турлари ўсиб ривожланади.

Қора саксовул *(H.Aphyllum)* – баргсиз бута ёки дарахт бўлиб, баландлиги 4-9 метрдан 12 метргача бўлади. Асосан, Республикамизнинг чўл ва чалачўл ҳудудларида, шўрхок ерларда, шўрланган қумларда, тақирларда кўп тарқалган. Уруғидан кўпаяди. Йўлларда иҳотазор барпо этиш мақсадида фойдаланилади. Қора саксовул катта дарахтзорлар ҳосил қилади. Оқ саксовулдан тана ва шох-шаббасининг қорамтир бўлиши, ҳамда баргининг тузилиши билан ажралиб туради.

Қора саксовул 50-60 йил умр кўради. Тупроққа талабчан эмас. Кучли шўрланган ерларда ҳам ўсади. Водий ерларда ҳамда қум барханлари оралиқларида катта бўлмаган майдонларни эгаллайди. Қора саксовул экинзорлари бошқа чўл ўсимликларидан ўзгача «қора ўрмон» таса ввурини эслатади. Иссиққа, ёруғликка талабчан, қурғоқчиликка чидамли ўсимлик. Келиб чиқиши бўйича, уруғидан, илдиз бачкиларидан кўпайган ва аралаш қора саксовулзорлардан иборат. Тўнка, илдиз бачкиларидан кўпайиш жараёни қора саксовулзорларда 18-20 ёшида кечади. Аксарият ҳолларда қора саксовул уруғларидан кўпаяди. Уруғларининг унувчанлиги бир текис бўлмасада, яхши кўпайиш хусусиятига эга. Кузда экилган уруғлар баҳорда униб чиқади. Қаламчаларидан кўпаймайди.

Оқ саксовул *(H.Persicum)* – йирик бута. баландлиги 2,5-6,0 метр бўлиб, илдизи 10-11 метр чуқурликкача кириб боради.Қозоғистон, Марказий Осиё, Эрон, Афғонистон, Ғарбий Хитой ҳудудларининг чўл ва саҳроларидан ўсади. Оқ саксовул қумликларни мустаҳкамлаш учун экилади.

Оқ саксовул тарқалган (ўсадиган) худудлар – бу қум барханларининг нишаблик ва қияликлари, баланд бўлмаган тепаликлар ва айрим жойларда ўрасимон чуқурлик ва қатор орасидаги паст жойлардир. Бу ерлардаги тупроқ тури асосан оддий, қумлоқ, кулранг-бўз, кам гумусли, деярли шўрланмаган ёки кам шўрланган. Оқ саксовул массивлари қумликлар чегарасидан чиқмайди. Қалин экинзорларни ташкил этмасдан, балки ораси очиқ ҳолда тўп-тўп бўлиб бир гектар ерда 30-50 та буталар ўсади. Оқ саксовул қора саксовулга нисбатан кўп тарқалган.

Ўзбекистон ҳудудида саксовул ўрмонлари 1229 минг гектарни ташкил этиб, шундан оқ саксовул 976, қора саксовул эса 253 минг гектарни ташкил этади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг саксовулнинг “Нортуя” навидан чўл ва яйловлар ҳудудларади саксовулзорлар барпо этиш мақсадида фойдаланилмоқда.

Қоракўл давлат ўрмон хўжалида ўрмон барпо этиш ишлари асосан, саксовул турлари кўчатларини экиш ёки уруғ сепиш орқали амалга оширилмоқда. Ҳозирги вақтда, хўжаликнинг Мохонкўл ўрмончилик бўлимидаги “яшил қалқон” айланмасининг 5, 6, 7, 11, 13 кварталларидан саксовулзораlр яхши ўсиб ривожланмоқда. Ушбу “Яшил қалқон” айланмасида жами 41894,74 гектар саксовулзор мавжуд бўлиб, шундан ёш саксовулзорлар 23254 гектар, ўрта ёшли 1100,3 гектар, улғайиш ёшидаги саксовулзор 1860 гектар ва пишиб етилган саксовулзор 1180 гектарни ташкил этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ПҚ-2966-сон қарори. 2017 йил 11 май

Қайимов А.Қ., Бердиев Э.Т. Дендрология (Дарслик). “Фан ва технология”, Тошкент – 2012. 288 бет